

**Ибрагимова Нилуфар**

Вебстер университети магистранти

---

## **ХОРИЖИЙ ТИЛЛАРНИ ЎРГАНИШДА ИННОВАЦИОН ЁНДАШУВ**

**АННОТАЦИЯ:** Ҳозирги кунда юртимизда олиб борилаётган таълим ислохотининг мақсад ва вазифаларидан бири бу – ўсиб келаётган келажак авлодни чет тилларига мукамал ўргатиш, хорижий тилда эркин сўзлаша оладиган кадрларни тайёрлаш ва дунё халқлари маданияти, урф одати, илм-фан тармоғи каби соҳаларини ўрганиб, тадбиқ қила оладиган мутахассисларни етиштириш ҳисобланади. Ушбу мақолада хорижий тилларни замонавий ва тезкор усулларда ўргатиш бўйича қисқача тавсиялар келтириб ўтилган.

**Калит сўзлар:** Педагогик технология, методлар, инновацион ёндашув, хорижий тиллар, виртуал майдон, рақамлаштириш.

**АННОТАЦИЯ:** Одной из целей и задач проводимой сейчас в нашей стране реформы образования является в совершенстве преподавать иностранные языки подрастающему будущему поколению, подготовить кадры, свободно владеющие иностранными языками, подготовить специалистов, способных учиться и применять такие области, как культура народов мира, обычаи и сеть науки. В этой статье содержатся краткие рекомендации по преподаванию иностранных языков современными и быстрыми способами.

**Ключевые слова:** Педагогические технологии, методы, инновационное проектирование, иностранные языки, виртуальное пространство, цифровизация.

**ABSTRACT:** One of the goals and objectives of the education reform currently being carried out in our country is to perfectly teach foreign languages to the growing future generation, to train personnel who can speak foreign languages fluently, and to train specialists who can study and apply such fields as the culture of the peoples of the world, customs, and the network of science. This article contains brief recommendations on teaching foreign languages in modern and fast ways.

**Key words:** Pedagogic technology, methods, innovation design, foreign languages, virtual space, digitization

---

**Кириш.** Сўнгги йилларда юртимизда хорижий тилларни ўрганишни оммалаштириш, бу борадаги фаолиятни сифат жиҳатидан янги босқичга олиб чиқиш, ёшларни замонавий касблар ва чет тилларига ўқитиш тизимини такомиллаштириш борасида кенг имкониятлар яратилди. Юртимиз таълим соҳасида ёшларни хорижий тилларга ўргатиш яқин, 5-10 йил ичида сиёсат даражасига олиб чиқилди ва ўз ўрнида чет тилларини ўрганишга оид бир қатор қарор ва фармонлар ишлаб чиқилди. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасида хорижий тилларни ўрганишни оммалаштириш фаолиятини сифат жиҳатидан янги босқичга олиб чиқиш чора-тадбирлари тўғрисида» 2021 йил 19 майдаги ПҚ-5117-сон қарорига мувофиқ, хорижий тилларни ўрганишни оммалаштириш мақсадида чет тили ўқитучиларига миллий ва халқаро сертификатга эга бўлиш талабини киритилиши, магистратура ва докторантура қабулида хорижий тил сертификатини тақдим қилиш талаби

қўйилганлиги, мактаб ва мактабгача таълим тизимида ҳам етишиб келаётган ёш авлодни хорижий тилларга ўргатиш бўйича ташкилий чора-тадбирларни самарали амалга ошириш мақсадида тизимли ишлар олиб борилмоқда.

**Асосий қисм.** Сўнги йилларда юртимизда хорижий тилларни ўрганишни оммалаштириш, бу борадаги фаолиятни сифат жиҳатидан янги босқичга олиб чиқиш, ёшларни замонавий касблар ва чет тилларига ўқитиш тизimini такомиллаштириш борасида кенг имкониятлар яратилди. Доимий анъанавий дарс методлари ўрнига чет тилларини инновацион ёндашув асосида тез ва осон ўрганиш мақсадида янги АКТ воситаларидан фойдаланган ҳолда интерфаол усуллар ёрдамида дарс жараёнларини ташкил қилиш йўлга қўйилди. Хорижий тилларни самарали ўрганишда бу ҳам замонавий усулларида бири ҳисобланади. Исталган чет тилини замонавий технологиялардан фойдаланиб ўрганиш ва ўргатиш энг самарали воситалардан ҳисобланади. Масалан ;

- ❖ Телефон, планшет, компьютер, аудио ёзувлар орқали чет тилидаги видео роликларни, диалогларни кино ёки мултифилмлар орқали ҳам кўриб, ҳам эшитиб ўрганиш
- ❖ Инглиз тили ёки бошқа аудио дастурларни эшитиб ва турли онлайн тестлар ишлаш орқали ўрганиш
- ❖ Замонавий ва анъанавий плейер магнитофонлардан фойдаланган ҳолда ўрганиш

Аммо ҳозирги ривожланган замонда тилларни ўрганишда ҳамон қоғоз ва қалам устунлик қилаётгани афсуски, қониқарли ҳолат эмас. Рақамли маконда яшар эканмиз, смартфон, Алекса ёки Гугле орқали ҳам анчагина нутқни ривожлантириш имконияти мавжуддир. Бундай техник воситалардан фойдаланиш ўрганувчиларнинг ўрганаётган чет тилини янада қизиқарли ва самарали бўлишига ёрдам бериб, таълим жараёнида бу технологиялардан унумли ва самарали фойдаланиш ҳисобланади. Бунга қўшимча равишда айнан таълим жараёнига замонавий инновацион технология ва ускуналарни жалб қилиш орқали таълим сифати ва самарадорлигини анчагина ошириш мумкин.

Технологиянинг ўқув жараёнига интеграциялашуви тил мактабларида тил ўрганиш учун инқилоб бўлди дейиш мумкин. Ушбу мақолада биз инновацион технологиялар тил мактабларида тил ўрганишни қандай яхшилаши ва бойитишининг турли жиҳатларини кўриб чиқамиз.

- ❖ Онлайн курслар ва виртуал синфлар – бу онлайн курсларни ўтиш ва виртуал синфларда қатнашиш қобилияти ўқувчилар учун мослашувчанликни кенгайтиради. Исталган жойдан дарсларга кириш ва ўрганувчилар хоҳлаган тарзда ўрганишлари мумкин бўлади.
- ❖ Электрон таълим ресурслари - Тил мактабларида кўпинча ўқувчиларга тил кўникмаларини чуқурлаштириш ва мустақамлашга ёрдам берадиган видеолар, подкастлар, онлайн машқлар каби электрон таълим ресурсларини таклиф қилади.
- ❖ Тил ўрганишда сунъий интеллект – Сунъий интеллектни тил ўрганишга интеграциялаш ҳар бир талаба учун шахсий ўрганиш тажрибасини беради. Сунъий интеллектга асосланган дастурлар ўрганиш жараёнини кузатиши, индивидуал заиф томонларини аниқлаши ва мослаштирилган машқларни таклиф қилиши мумкин, аммо тил ўрганишда сунъий интеллектдан фойдаланиш ҳали бошланғич босқичда ҳисобланиб, дастурлар визуал оламларни аудио мисоллар билан боғлаш имконига эга бўлганда, бутунлай янги имкониятлар пайдо бўлади.

- ❖ Тил ўрганишда геймфикация – Тил ўрганишга ўйин элементларини интеграциялаш, шунингдек, ўйинлаштириш деб ҳам аталади. Бу жараён ўқувчиларни рағбатлантиради ва ўқув жараёнини янада қизиқарлироқ қилади.
- ❖ Тил ўрганишда виртуал реаллик ( VR ) – Тил ўрганишда виртуал реалликдан фойдаланиш ўрганувчиларга ўзларини иммерсив муҳитларга сингдириш ва реалистик сценарийларда тил кўникмаларини машқ қилиш имконини беради.

Бунга қўшимча равишда айтишим мумкинки, айнан таълим жараёнига замонавий инновацион технологияларни олиб кириш таълим сифати ва самарадорлигини оширишга хизмат қилади. Шунингдек, замонавий технологиялардан фойдаланган ҳолда ўрганиш фақат китоб ва қўлланмалардаги дарсликлардан ўрганишдек ўқувчини зериктириб қўймайди.

**Хулоса ва таклифлар.** Мамлакатимизда олиб борилаётган таълим тизимидаги самарали ислохотлар натижасида хорижий тилларни билишга бўлган қизиқиш ҳам анчайин ортди. Халқимиз орасида қадимдан “Тил билган – эл билади” мақоли бежиз айтилмаган бўлиб, хорижий тилларни ўрганиш бизнинг кўп тилни билган Беруний, Форобий ва бир неча тилларни қиёсан ўрганиш даражасида бўлган кенг мушоҳадали Навоий каби етук аждодларимиздан меросдир. Айнан ҳукуматимиз тарафидан бугунги кун ёшларига қўйилаётган талаб ҳам чет тилларини мукамал тарзда ўрганиш хисобланиб, яратилаётган имкониятлар ҳам бунга яққол далил бўла олади.

## **Фойдаланилган адабиётлар**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасида хорижий тилларни ўрганишни оммалаштириш фаолиятини сифат жиҳатидан янги босқичга олиб чиқиш чора-тадбирлари тўғрисида» 2021 йил 19 майдаги ПҚ-5117-сонли қароридан илова
2. Ж.Жалолов “ Чет тили ўқитиш методикаси”, Тошкент-2012
3. “Die Rolle der Technologie beim Sprachenlernen an einer Sprachschule” . Kunstlerische Syntax/ Hermann Erill / Bayern Munich 2021.
4. Х.А.Маматқулов . “Педагогларнинг хорижий тиллар бўйича компетентлигини амалий йўналтирилган методик-таъминот асосида ривожлантириш”. 1-228 бб.
5. Интернет маълумотлари